

## **ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙУНАЛИШИДИР.**

*Паркент тумани адлия бўлими  
ЮХКМ бош юристконсулти  
М.М.Пайзиев*

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 14-февралда “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №62-сонли қарори.

**Калит сўзлар:** Ёшлар, тадбиркорлик, бандлик, иш ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 14-февралда “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №62-сонли қарори қабул қилингқн бўлиб, унга кўра мутассади ташкилотларнинг «Ёшлар бизнеси» дастурини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқулланиб, -

Дастур доирасида 350 мингта ёшни қамраб олиш, шу жумладан, ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар учун камида 100 мингта қўшимча иш ўринларини яратиш;

ёш тадбиркорларга комплекс хизматлар кўрсатиш, уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида АТ «Алоқабанк»ни таянч «ёшлар банки» этиб белгилаш;

замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш учун ёшларнинг стартап ва инвестиция лойиҳаларига имтиёзли молиявий маблағларни ажратиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги, шу жумладан, рақамли технологиялар татбиқ этилган инновацион лойиҳалар ҳамда ижтимоий тадбиркорлик йўналишидаги қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш асосий вазифа сифатида белгилаб берилди.

Дастур доирасида:

а) «Бизнесга биринчи қадам» лойиҳасига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган ижтимоий солиқ тўлаган ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга онлайн шаклда асосий қарздан 2 йилгача ва фоиз тўловларидан 3 ойгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга суғурта полиси таъминоти ёки учинчи шахс кафиллиги асосида 100 млн сўмгача маблағлар қуйидаги кредит маҳсулотлари бўйича имтиёзли микроқарз сифатида ажратилади:

томорқалардан самарали фойдаланиш мақсадида экин экиш ва етиштириш, чорвачилик, паррандачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишларидаги фаолиятни амалга ошириш учун;

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, шу жумладан, ҳунармандчилик жиҳозларини сотиб олиш ва айланма маблағларни тўлдиришга;

фан, санъат ва спорт йўналишларида ўз қобилиятини намоён этган иқтидорли ёшларни ҳамда фрилансерлик хизматларини кўрсатувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш учун;

б) «Ёшлар учун иш ўринлари» лойиҳаси асосида якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёш фуқароларга, шунингдек, таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ёшларга камида 20 та иш ўрни яратишни назарда тутувчи лойиҳаларига 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга 5 млрд сўмгача маблағлар қуйидаги йўналишлардаги кредит маҳсулотлари бўйича ажратилади:

ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини харид қилиш, қурилиш ишларини амалга ошириш, асосий воситаларни сотиб олиш (шу жумладан, «саноат ипотекаси» асосида) ҳамда айланма маблағларга;

тижорат мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган автотранспорт воситаларини харид қилиш учун;

савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилишга;

ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, шу жумладан, рақамли технологиялар ва хорижий тиллар каби йўналишларда таълим хизматлари фаолиятини ташкил этиш учун;

в) «Инновацион ёшлар» лойиҳаси бўйича венчур жамғармалари орқали ёшлар қуйидаги йўналишларда қўллаб-қувватланади:

ёшларнинг стартап лойиҳалари учун капитал инвестициялар киритиш;

илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва стартаплар учун инфратузилмани ривожлантиришга қарз маблағларини ажратиш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш учун шароит яратиш, шу жумладан, робототехника йўналишидаги замонавий асбоб-ускуналар ва лабораториялардан фойдаланишда имтиёзли молиявий қўллаб-қувватлаш;

стартап-инкубаторлар, технопарклар ва тадқиқот марказларини яратишга инвестициялар киритиш;

ҳалқаро танловлар, конференциялар ва кўргазмаларда иштирок этишни қўллаб-қувватлаш;

г) ёшларнинг замонавий ва талаб юқори бўлган касб-хунарга, шу жумладан, рақамли технологиялар ва хорижий тилларга ўқиши ўрнатилган тартибда молиялаштирилиши белгилаб берилди.

Дастур доирасида:

имтиёзли кредитларнинг камида 30 фоизи хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилади. Бунда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш курсларида ўқишига кўмаклашилади;

имтиёзли кредит маблағлари унинг ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг камида 50 фоизида ёшлар ишга жойлаштирилиши назарда тутилган ҳолда ажратилади;

имтиёзли кредитларнинг тақдим этилиши шартларини бажармаган қарз олувчиларга нисбатан кредит фоиз ставкалари бозор ставкаларига ўзгартирилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 14-февралда “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №62-сонли қарори.
3. “Huquqiy axborot” телеграмм канали